

Date: 29th May-2026

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО
ШАРТНОМАЛАР ТАЛАБЛАРИГА МОС КЕЛМАСЛИК ҲОЛАТЛАРИНИ
ЎРГАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Узоқов Алишер Абдураимович

Божхона институти Божхона тўловлари ва статистикаси
кафедраси катта ўқитувчиси Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш.

Аннотация. Мазкур тезисда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида алкоголь маҳсулотлари тушунчасининг халқаро ҳуқуқ нормалари ва халқаро шартномалар талабларига мувофиқлиги таҳлил қилинган. Миллий ва хорижий қонунчилик, жумладан Россия Федерацияси тажрибаси қиёсий ўрганилиб, алкоголь маҳсулотларини таснифлаш ҳамда этил спирти миқдорини белгилашга оид ҳуқуқий ёндашувлар таҳлил этилган. Тадқиқот натижасида миллий қонунчиликни халқаро стандартларга уйғунлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: алкоголь маҳсулотлари, этил спирти, халқаро шартномалар, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, божхона қонунчилиги

Аннотация. В тезисе анализируется соответствие понятия алкогольной продукции, закреплённого в законодательстве Республики Узбекистан, требованиям международных договоров и норм международного права. Проведено сравнительно-правовое исследование национального и зарубежного законодательства, в частности законодательства Российской Федерации, в области классификации алкогольной продукции и определения содержания этилового спирта. По результатам исследования разработаны предложения по гармонизации национального законодательства с международными стандартами.

Ключевые слова: алкогольная продукция, этиловый спирт, международные договоры, сравнительно-правовой анализ, таможенное законодательство.

Abstract. This thesis analyzes the compliance of the concept of alcoholic products in the legislation of the Republic of Uzbekistan with the requirements of international treaties and international legal norms. A comparative legal analysis of national and foreign legislation, particularly the legislation of the Russian Federation, was conducted regarding the classification of alcoholic products and the determination of ethyl alcohol content. Based on the research findings, proposals were developed to harmonize national legislation with international standards.

Keywords: alcoholic products, ethyl alcohol, international treaties, comparative legal analysis, customs legislation.

Маълумки, мамлакатнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ҳамда божхона тўловларини ундириш божхона органларининг асосий вазифалари ҳисобланади. Шунингдек, божхона органлари



Date: 29th May-2026

божхона тўловларининг тўғри ҳисобланиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан доимий назоратни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни самарали тартибга солиш, миллий қонунчиликни халқаро шартномалар талабларига уйғунлаштириш, шунингдек, давлат бюджети даромадларини оширишга қаратилган ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш устувор вазифалардан ҳисобланади. Айниқса, республиканинг халқаро шартномалар бўйича зиммасига олган мажбуриятларини миллий қонунчиликда тўлиқ, аниқ ва бир хил қўлланилишини таминлайдиган тарзда акс эттириш муҳим аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни халқаро стандартлар ва хорижий амалиёт билан қиёсий таҳлил қилиш, улар ўртасидаги номуносивбликлар ва ҳуқуқий бўшлиқларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга. Хусусан, миллий қонунчиликдаги айрим тафовутлар божхона тўловларини тўғри ҳисоблаш, товарларни таснифлаш ва фискал функцияларни самарали амалга ошириш жараёнида ҳуқуқни қўллаш амалиётида муайян муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Шу боис, бундай номуносивбликларни бартараф этиш давлатнинг иқтисодий манфаатларини таъминлаш ва божхона маъмуриятчилиги самарадорлигини оширишда муҳим омил ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида» Қонунининг 3-моддасида алкоголь маҳсулотлари тушунчасига қуйидагича таъриф берилган:

алкоголь маҳсулотлари — озиқ-овқат хом ашёсидан олинган этил спиртидан ва (ёки) таркибида спирт бўлган озиқ-овқат маҳсулотидан фойдаланган ёки фойдаланмаган ҳолда ишлаб чиқарилган, таркибида этил спиртининг ҳажмий улуши **1,5 фоиздан юқори** бўлган озиқ-овқат маҳсулоти [1].

Бу эса, таркибида этил спиртининг ҳажмий улуши 1,5% дан юқори бўлган ичимликларгина алкоголь ичимлик, акс ҳолда алкогольсиз ичимлик деб қаралиши лозим.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, алкоголь ичимликларга Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 289²-моддаси билан акциз солиғи ставкалари жорий этилганлиги билан аҳамиятлидир [2].

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 15-моддасининг 4-хатбошига асосан, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонунида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилиши кўрсатиб ўтилган [3].

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан «Товарларни тавсифлаш ва кодлаштиришнинг уйғунлаштирилган тизими тўғрисидаги халқаро конвенцияга



Date: 29th May-2026

кўшилиш ҳақида» Қарор қабул қилинган бўлиб, мазкур конвенция 2000 йил 1 январдан республикада расмий кучга кирган [4].

Конвенция 3-моддасининг «а» бандига биноан Ўзбекистон ўзининг божхона-тариф ва статистик номенклатураларини Уйғунлаштирилган тизимга мувофиқ бўлишини таъминлаши зарур. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси Уйғунлаштирилган тизим нормалари асосида ишлаб чиқилган [5].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси «Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг Ягона ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси тўғрисида» 1995 йил 3 ноябрдаги битимни имзолаган. Битимнинг 1-моддасига биноан, ушбу давлатларда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг ягона Ташқи иқтисодий фаолияти товар номенклатураси амал қилади.

«Товарларни тавсифлаш ва кодлаштиришнинг уйғунлаштирилган тизими тўғрисидаги халқаро конвенция»нинг иловаси бўлган Уйғунлаштирилган тизимда ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг ягона Ташқи иқтисодий фаолияти товар номенклатурасида бир хил норма мавжуд. Хусусан, 22-гурух изоҳларининг 3-бандида алкогольсиз ичимликлар атамаси таркибидаги спирт концентрацияси ҳажми бўйича улуши 0,5% дан кўп бўлмаган ичимликларни англатиши белгиланган [6].

Ушбу норма Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси (ТИФ ТН)да акс эттирилган бўлиб, ушбу ТИФ ТН Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасини тасдиқлаш тўғрисида” қарори билан жорий этилган [7].

Мазкур нормага асосан таркибидаги спирт концентрациясининг улуши ҳажми бўйича 0,5% дан кўп бўлмаган ичимликлар алкогольсиз ичимликлар ва 0,5% дан кўп бўлган ичимликлар алкоголь ичимликлар ҳисобланади.

Юқорида қайд этилганларга биноан, ҳозирги пайтда амалда бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда алкогольсиз ичимликлар ва алкогольли ичимликларни белгилаш борасида, бир-бирига зид бўлган 2 хил норма мавжуд.

Бу борада халқаро амалиётда, хусусан Россия Федерациясида бундай зиддият мавжуд эмас. Юқорида қайд этилган халқаро ҳужжатга Россия Федерацияси ҳам қўшилган бўлиб, мазкур мамлакатда фақат ушбу халқаро ҳужжатлардаги норма мавжуд. Хусусан, Россия Федерациясининг «Этил спирти, алкоголь ва спиртли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва айланишини давлат томонидан тартибга солиш ҳамда алкоголь маҳсулотини истеъмол қилишни (ичишни) чеклаш тўғрисида» Федерал қонунининг 2-моддаси 7-бандида алкоголь маҳсулоти тушунчасига қуйидагича таъриф берилган:

алкоголь маҳсулотлари — бу озиқ-овқат хомашёсидан олинган этил спиртидан фойдаланган ёки фойдаланилмаган ҳолда ишлаб чиқарилган, шунингдек, таркибида этил спирти бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари асосида тайёрланган, таркибида тайёр маҳсулот ҳажмининг **0,5 фоизидан ортиқ миқдорда этил**



Date: 29th May-2026

спиртига эга озиқ-овқат маҳсулотидир, Россия Федерацияси Ҳукумати томонидан белгиланган рўйхатга мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотлари бундан мустасно [8].

Шунингдек, Россия Федерациясида амалда бўлган ТИФ ТНда таркибидаги спирт концентрацияси ҳажми бўйича улуши 0,5% дан ортиқ бўлмаган ичимликлар алкоғолсиз ичимликлар ҳисобланади;

Баён этилганлардан келиб чиқиб, қуйидагилар таклиф этилади:

Ўзбекистон Республикасининг «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Қонуни 3-моддасидаги алкоголь маҳсулоти таърифини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, яъни уни қуйидаги таҳрирда баён этиш:

«алкоголь маҳсулотлари — озиқ-овқат хом ашёсидан олинган этил спиртидан ва (ёки) таркибида спирт бўлган озиқ-овқат маҳсулотидан фойдаланган ёки фойдаланилмаган ҳолда ишлаб чиқарилган, таркибида этил спиртининг ҳажмий улуши ярим фоиздан юқори бўлган озиқ-овқат маҳсулоти».

Мазкур таклифни амалиётга жорий этилиши орқали таркибидаги спирт концентрацияси ҳажми бўйича улуши 0,5 – 1,5% ораликда бўлган ичимликларни ҳуқуқий жиҳатдан таснифлашдаги муаммолик вазиятлар олди олинади. Шунингдек, уларни алкоғолли ичимликлар эканлигини аниқ белгилаш орқали, уларга нисбатан божхона тўловларини тўлиқ ундирилишини таъминлашда шаффофликка эришилади ҳамда ундирувчанлик ортади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 24 майдаги ЎРҚ-844-сон «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Қонуни;
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси;
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 29 августдаги 687-I-сон «Товарларни тавсифлаш ва кодлаштиришнинг уйғунлаштирилган тизими тўғрисидаги халқаро конвенцияга қўшилиш ҳақида»ги Қарори;
5. «Товарларни тавсифлаш ва кодлаштиришнинг уйғунлаштирилган тизими тўғрисида»ги халқаро конвенция;
6. «Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг Ягона ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси тўғрисида» Битим;
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 майдаги ПҚ-181-сон «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори;
8. Россия Федерациясининг 1995 йил 22 ноябрдаги 171-ФЗ-сон «Этил спирти, алкоголь ва спиртли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва айланишини давлат томонидан тартибга солиш ҳамда алкоголь маҳсулотини истеъмол қилишни (ичишни) чеклаш тўғрисида»ги Федерал қонуни.

